

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВА МАҚСУДА АХМЕДЖОНОВНА

**ТАЖРИБАДА ГЕН-МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН МАҲСУЛОТНИНГ
ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Каримова Мақсуда Ахмеджоновна

Тажрибада ген-модификацияланган маҳсулотнинг организмга таъсирининг микробиологик жиҳатлари 3

Каримова Мақсуда Ахмеджоновна

Микробиологические аспекты влияния генно-модифицированного продукта на организм в эксперименте 23

Karimova Maksuda Axmedjonovna

Microbiological aspects of the effect of a genetically modified product on the body in an experiment 43

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВА МАҚСУДА АХМЕДЖОНОВНА

**ТАЖРИБАДА ГЕН-МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН МАҲСУЛОТНИНГ
ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib1382 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Матназарова Гулбахор Султановна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий Оппонентлар:	Абдухалилова Гулнора Кудратуллаевна тиббиёт фанлари доктори (DSc) Синяшина Людмила Николаевна тиббиёт фанлари доктори (Россия Федерацияси)
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй) Тел/Факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй) Тел/Факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У.Гаджиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М.Гаджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Одам истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланишига сабаб бўлувчи, организмга салбий таъсир этувчи биологик ва кимёвий контаминантлар организмда турли патологик жараёнлар шаклланиши ва ривожланишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида турли технологиялар асосида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларининг тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш катта аҳамиятга эга. Маълумки, «...охирги ўн йилликда хорижий мамлакатларда тирик организмлар геномларини молекуляр-генетик текширишни янги усуллари ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштириш, ген инженерияси ёрдамида янги технологиялар асосида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш биотехнологиянинг фаол ривожланишига кўмаклашиши...»¹ борасида талай ишлар қилинган. Шу фаоллик натижаларидан бири ген-модификацияланган организмлар олиш ва дунё миқёсида кенг тарқатиш ҳисобланади.

Жаҳонда ген-модификацияланган маҳсулотнинг организмга таъсирининг микробиологик жиҳатларини аниқлаш, уларни қурғоқчилик, касалликлар, ҳашаротлар таъсирига чидамли навларини яратиш, ҳосилдорликни ошириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ген-модификацияланган маҳсулотларнинг организмга салбий таъсирини аниқлаш, ушбу таъсирнинг олис натижалари, одам организми аъзо ва тизимлари, турли биотоплардаги меъёрий микрофлораси, йўғон ичак меъёрий микрофлораси ҳаётга лаёқатли вакиллариининг интестинал аъзоларга ўтиши даражасига таъсирини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, ген-модификацияланган маҳсулотларнинг узоқ вақт давомида таъсир даражасини аниқлаш, озиқ-овқат бўйича тиббий-биологик хавфсизликни таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хозирги кунда «... аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллариини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни олдини олиш»² каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар, тажрибада ген-модификацияланган маҳсулотларнинг организмга таъсир даражасини аниқлаш, йўғон ичак микрофлорасида рўй бериши мумкин бўлган патологик жараённи асослаш ва баҳолаш, шулар асосида аҳоли орасида озиқ-овқат хавфсизлигини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Вершинина З.Р., Кулуев Б.Р., Максимов И.В. ва б. ГМО запретить невозможно разрешить // Биомика. - 2020. – Том 12(1). - С.80-120.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ген-модификацияланган организмлар (ГМО) - ўсимлик ёки ҳайвонлар организмлари бўлиб, уларнинг генотиплари шу организмга янги белгиларни бериш учун ген инженерияси ёрдамида табиий бўлмаган услубда ўзгартирилган (Global Status of Commercialized Biotech., GM Crops., 2013). ГМО генотипига бундай таъсир оқибатида гербицид, зараркуранда, касалликлар, шўрланиш ва қурғоқчиликка чидамлилик, ҳосилдорликни ошириш каби хусусиятлар берилади, маҳсулот сифати ўзгартирилади. Атроф муҳитни тозалаш, ўсимлик организмда айрим бирикмалар синтезини таъминлаш орқали улардан ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиш масалалари ҳал этилган. Бугунги кунгача 140 хилдаги ўсимликлар гени модификация қилингани расмий маълумотларда келтирилган (International Service for the Acquisition of Agri-Biotech Application - ISAAA, 2014).

Илмий ва расмий манбаларда келтирилишича, ҳозирги вақтда соя, пахта, маккажўҳори, рапс ГМ-экинларнинг глобал истиқболлини таъминламоқда. Шунингдек, буғдой, шоли, беда, папая, қовоқ, картошка, помидор, қанд лавлаги ва қулупнайлар ҳам шу қаторга қўшилмоқда (ISAAA, 2014). Бугунги кунда ГМ-маҳсулотларнинг одам организмга турлича таъсири борасида кўплаб илмий ишлар қилинган бўлиб, мутахассислар фикрлари бу борада ҳар хил бўлмоқда. Тажрибавий тадқиқотлар натижаларида келтирилишича, ГМ-соя лаборатория ҳайвонлари ички аъзоларида патологик ўзгаришлар чақирмаганлиги, барча аъзолар ГМ-маҳсулот таъсиридан кейин меъёр даражасида қолганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор (Павловская Н.Е. ва ҳаммуал., 2018). Тиббий ва биологик илмий манбалар базасидаги (<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed>) 42 та манбада тажрибавий тадқиқотлар натижасида ГМ-маҳсулотларнинг йирик шохли ҳайвонлар, чўчқалар, уй паррандалари, балиқ, лаборатория ҳайвонларидан каламуш ва сичқонларда шу маҳсулотнинг сезиларли таъсири борлиги исботланмаган. Шунингдек, одам организмга ушбу маҳсулотларнинг салбий таъсири йўқ, деган хулосани

илгари сурган бошқа текширишлар натижалари ҳам мавжуд (Алексеева А.Н., Елохин А.П. 2016; Kosir A.V. et al., 2019).

Аммо, шу билан бир қаторда ГМ-маҳсулотларнинг организмга салбий таъсири исботлаб берилган ишлар ҳам талайгина (Лукашенко Т.М., 2007; Шеина Н.И., 2017, Angers-Loustau A. et al., 2014). Кейинги фикрларни тасдиқловчи илмий ишларга ГМ-маҳсулотнинг тажрибада иммун тизимига (Алланазаров А.Х., 2021), жигар ва ошқозон ости безига (Авозметов Ж.Э., 2021), тимус ва талокқа (Хасанова Д.А., 2021) салбий таъсири исботлаб берилган, шунингдек гематологик, биокимёвий ўзгаришлар, мутаген ҳамда репродуктив фаолиятга (Собирова Д.Р., Нуралиев Н.А., 2017), суяк кўмиги ҳужайраларига (Алланазаров А.Х., Нуралиев Н.А., 2021) салбий таъсири борлиги кўрсатилган ишлар ҳам мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800228 «Болалар ва катталар бактериял, вирусли ва паразитар инфекцияларининг замонавий босқичдаги муаммолари. Организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2022 йй.).

Тадқиқот мақсади тажрибада ген-модификацияланган маҳсулотнинг организмга таъсири микробиологик жиҳатларини ўрганиш ва баҳолашдан иборат бўлган (соя мисолида).

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ген-модификацияланган соянинг лаборатория ҳайвонлари йўғон ичаги меъёрий микрофлорасига таъсирини тажрибада қиёсий ўрганиш ва баҳолаш;

ген-модификацияланган соянинг лаборатория ҳайвонлари йўғон ичаги меъёрий микрофлорасига салбий таъсири натижасида вужудга келадиган ичак дисбиози элементларини аниқлаш ва баҳолаш;

ген-модификацияланган соя таъсирида йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакиллари ва организм интестинал аъзоларига транслокация бўлган микроорганизмлар идентификация қилиниши микдорий ҳамда сифатий параметрлари орасидаги ўзаро боғлиқликни тажрибада қиёсий тарзда кўрсатиб бериш;

ген-модификацияланган маҳсулотнинг организм меъёрий микрофлорасига таъсири даражасини баҳоловчи истиқболни белгиловчи мезонлар яратиш орқали ушбу маҳсулотнинг организм учун таъсир хавфини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 90 та эркак жинсига мансуб, 160-180 г оғирликдаги 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида тажриба ҳайвонларининг (оқ зотсиз каламушлар) аъзолари, қони, перитонеал суюқлиги, нажаси олинган.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида бактериологик, бактериоскопик, микологик, тажрибавий ва статистик

усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор тажрибада ген-модификацияланган соя таъсирида лаборатория хайвонлари йўғон ичагида чуқур дисбиозни тавсифловчи индиген микроорганизмлар миқдорининг камайиши, факультатив микрофлоранинг ошиши аниқланган;

илк бор *Bifidobacterium spp* ва *Lactobacillus spp* миқдорий кўрсаткичи камайиши, лактозапозитив *Escherichia coli* унмагани, *Enterobacter spp* ва *Proteus spp* назорат гуруҳига нисбатан 4,54 ва 3,75 мартага кўпайгани, граммусбат кокklar кўрсаткичларида гуруҳлараро номувофиклик бўлиши, *Candida spp* 1,94 мартага кўп унгани йўғон ичак дисбиозининг бешта элементи сифатида кўрсатиб берилган;

тажрибавий тадқиқотлар асосида интакт лаборатория хайвонларида дисбиоз белгилари йўқлиги, ген-модификация қилинмаган соя билан боқилганларда дисбиоз белгилари заиф ривожлангани (I-даража), ген-модификацияланган соя билан боқилганларда дисбиоз белгилари яққол намоён бўлгани (II-даража) исботланган;

ген-модификацияланган маҳсулотнинг тажрибада организм меъерий микрофлорасига таъсир хавфи даражаси кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ген-модификацияланган соянинг организм йўғон ичаги меъерий микрофлораси индиген ва факультатив вакиллари таъсири аниқланиши шу маҳсулотнинг организм учун хавфи катта эканлиги кўрсатилгани амалий тиббиётда банд бўлган ходимлар учун ахборот сифатида тавсия этилган;

ген-модификацияланган соянинг организм меъерий микрофлорасига салбий таъсири натижасида келиб чиқадиган чуқур дисбиоз шаклланиш даражасини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган мезонлар соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия этилган;

ген-модификацияланган соянинг йўғон ичак нормал микрофлораси, турли аъзо ва тизимлар бактериал транслокация жараёнига таъсирини аниқлаш баробарида ушбу микробиологик усул ген-модификацияланган маҳсулотнинг организмга таъсир хавфи даражасини баҳолаш учун истиқболли усул сифатида фойдаланилиши тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи тажрибавий, бактериологик, микологик ва статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги экспериментал материалдан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жихатдан тасдиқланганлиги, уларнинг маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан олинган маълумотлар бўйича қиёсланганда ишончлилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тажрибада ген-модификацияланган соянинг лаборатория хайвонлари йўғон ичагида чуқур дисбиози аниқланганлиги,

йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген ва факультатив вакиллари микдорий кўрсаткичларида дисбаланс аниқланиб, бу ҳолат йўғон ичак дисбиозининг бешта элементи сифатида кўрсатиб берилганлиги, ген-модификация қилинмаган соя билан боқилганларда дисбиоз белгилари заиф ривожлангани (I-даража), ген-модификацияланган соя билан боқилганларда дисбиоз белгилари яққол намоён бўлгани (II-даража) исботланганлиги, ген-модификацияланган соянинг тажрибада организм нормал микрофлорасига таъсири даражасини баҳоловчи истиқболни белгиловчи мезонлар яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ген-модификацияланган соянинг организм йўғон ичаги меъёрий микрофлорасига таъсирининг аниқланиши шу маҳсулотнинг организм учун хавфи катта эканлиги кўрсатилгани, шу салбий таъсир натижасида келиб чиқадиган чуқур дисбиоз шаклланиш даражасини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган мезонлар соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия этилганлиги, шу маҳсулотнинг йўғон ичак нормал микрофлорасига ва бактериялар транслокация жараёнига таъсирини аниқлаш баробарида ушбу микробиологик усул ген-модификацияланган маҳсулотнинг организмга таъсир хавфи даражасини баҳолаш учун истиқболли усул сифатида фойдаланилиш учун тавсия этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тажрибада ген-модификацияланган маҳсулот соянинг организмга микробиологик хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

ген-модификацияланган соянинг тажрибада йўғон ичак микрофлораси кўрсаткичларига таъсир даражасини аниқлаш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Тажрибада ген-модификацияланган маҳсулотларнинг йўғон ичак микрофлорасига таъсирини баҳолаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 13 июндаги 8н-з/288-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ген-модификацияланган соянинг тажрибада йўғон ичак микробиоценозига таъсирини баҳолаш орқали ушбу маҳсулот микробиологик жиҳатларини тўлиқ аниқлаш имконини берган;

тажрибада ген-модификацияланган маҳсулотларнинг йўғон ичак микрофлорасига таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Хоразм вилояти санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси, Урганч шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлими ва Шовот тумани санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлимларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 28 ноябрдаги 08-37669-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари ген-модификацияланган соя маҳсулотининг йўғон ичак меъёрий микрофлораси кўрсаткичларига ва бактериялар транслокацияга таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилиш ген-модификацияланган маҳсулотнинг биологик ва тиббий хавфсизлигини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та

илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, аҳамияти, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ген-модификацияланган маҳсулотларнинг асосий хусусиятлари ва уларнинг организмга таъсирига замонавий қарашлар**» номли биринчи бобида бу борада тадқиқотчилар ва мутахассисларнинг шу кунгача олиб борган илмий изланишлари, ушбу йўналишда олиб борган тадқиқотлари, бу борада эришган ютуқлар, камчиликлар, текширув ва илмий тадқиқот усуллари кўпгина адабиётлардаги маълумотлар ёрдамида батафсил таҳлил қилинган. Ушбу бобда ҳозирги замон янги технологиялар асосида олинган ГМ-маҳсулотларнинг одам организмига бўлган хавф даражаси, ушбу маҳсулотнинг тажрибада эмбриотоксик, гонадотоксик, мутаген ва канцероген таъсирлари, тажриба ҳайвонлари аъзо ва тўқималарига таъсир даражаси, иммун тизими ҳамда биокимёвий кўрсаткичларга таъсири тўғрисидаги маълумотлар батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Ген-модификацияланган соянинг тажрибада организмга таъсирининг микробиологик жиҳатларини ўрганиш бўйича тажрибавий тадқиқотлар бўйича материал ва усуллар**» номли иккинчи бобида тадқиқот ишини бажариш учун қилинган ишлар ҳажми, дизайни, тадқиқот усуллари батафсил келтириб ўтилган. Шунингдек, уларга қўшимча равишда фойдаланилган ГМ-маҳсулот - ГМ-сояга ва тадқиқотларга жалб қилинган лаборатория ҳайвонларига (экспериментал материалга) тавсифи келтирилган.

Тажрибавий тадқиқотларда ГМ-маҳсулот сифатида чет элда етиштирилган ва мамлакатимизга фақат илмий мақсадларда киритилган ГМ-соядан фойдаланилган. Ушбу тадқиқот учун фойдаланилган соянинг ГМ-

махсулот эканлиги аниқлаш мақсадида полимераза занжирли реакция (ПЗР) ёрдамида ўрганилган, унда 35S+FMV промоторининг борлиги аниқланган, бу эса тадқиқотлар учун танланган соянинг ГМ-махсулот эканлигини исботлаган. ГМ-соя таъсирини қиёсий ўрганиш мақсадида мамлакатимизда етиштирилган соядан фойдаланилган. ПЗР ўтказилганда ушбу соядан юқорида келтирилган промотор (35S+FMV промотори) топилмаган, бу унинг ГМ-махсулот эмаслигини исботлаган.

ГМ махсулотнинг организмга таъсирини ўрганиш учун лаборатория ҳайвонларида (оқ зотсиз каламушлар) тажрибавий тадқиқотлар ўтказилган. Тажрибавий тадқиқотлар учун эркак жинсига мансуб 90 та оқ зотсиз каламушлар тадқиқотга жалб қилинган бўлиб, улар 3 та гуруҳга бўлинган:

1-гуруҳ - стандарт виварий рационда бўлган, ГМ-ли ёки ГМ-сиз соя билан боқилмаган интакт оқ зотсиз каламушлар (n=30);

2-гуруҳ - стандарт виварий рационда бўлган, ГМ-сиз соя билан боқилган оқ зотсиз каламушлар (n=30);

3-гуруҳ - стандарт виварий рационда бўлган ГМ-соя билан боқилган оқ зотсиз каламушлар (n=30).

Вояга етган оқ зотсиз каламушларнинг оғирлиги 160-180 г ни ташкил этган, улар нисбий намлик (50-60%), ҳарорат (19-22⁰С) ва ёруғлик режимида (12 соат қоронғулик ва ёруғлик режимида) стандарт виварий шароитида пластик қафасларда (ҳар бир катакда 5 тадан) сақланган. Ушбу гуруҳлар бири-бирига репрезентатив бўлиб, фақатгина битта белги билан бир биридан фарқ қилган. Шунингдек, тадқиқотлар рандомизацияланган бўлишига ҳамда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинганлигига эътибор қаратилган. Лаборатория ҳайвонларини парваришлаш, озиқ-овқат рационини тузиш, гуруҳларга бўлиш Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал. (2016) томонидан тавсия этилган меъёрларидан келиб чиқилган.

Тажриба учун олинган оқ зотсиз каламушларга ГМ-соя ва ГМ-сиз соя ун кўринишида 0,02-0,03 г миқдорида МН-200 (ХХР) чўнтак тарозисидан фойдаланилган ҳолда ўлчаниб, овқат рационига, улар учун тайёрланган бўтқага қўшиб берилган.

Тадқиқот уч босқичда амалга оширилган: биринчи босқич - тадқиқот ўтказишга тайёргарланиш босқичи, иккинчи босқич - тажриба босқичи, учинчи босқич - якуний босқич. Тадқиқот ўтказишдан олдин лаборатория ҳайвонларини тажрибаларга жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Этик қўмитасидан ёзма рухсат олинган (ЎЗР ССВ этик қўмитасининг 2020 йил 26 августдаги 4-сонли баённомаси).

Каламушлар юқорида айтиб ўтилган овқатланиш рацион буйича 30 кун давомида боқилган. Озиқланишнинг ушбу даврдан сўнг барча ҳайвонлар асептика ва антисептиканинг барча қоидаларига риоя қилган ҳолда махсус манипуляция хонасида ёрилган, шундан сўнг қорин бўшлиғи очилиб, стерил бир марталик идишларга микробиологик текшириш учун материаллар: жигар ва талоқ бўлакчалари, қон, қорин бўшлиғи суюқлиги, йўғон ичакдан нажас олинган. Тадқиқотлар микробиологик лабораторияда давом эттирилган.

Тажриба тугагач, барча текширилган оқ зотсиз каламушлар утилизация қилинган. Оқ зотсиз каламушлар йўғон ичак массаси бактериологик лабораторияга етказилгач, бактериологик текширишлар натижасида тегишли озик муҳитлар (Блаурокк, СРМ-4, Эндо, Сабуро муҳитлари, тухум-сарикли агар ва бошқалар) ёрдамида Bergy's, Manual Systematic Bacteriology (1997) бўйича қуйидаги микроорганизмлар идентификация ва дифференциация қилинган: *Bifidobacterium spp*, *Lactobacillus spp*, *Escherichia coli*, *Enterobacter spp*, *Proteus spp*, *Staphylococcus spp*, *Streptococcus spp*, *Candida spp*. Авлодлараро ва турлараро идентификация «HiMedia» (Ҳиндистон) фирмаси озик муҳитларидан фойдаланган ҳолда бажарилган.

Тадқиқотлар натижасида олинган барча рақамлар анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ишланган, бунда ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик хато (m), нисбий кўрсаткичлар (n, %) ҳисобланган. Ишончли тафовутлар Фишер-Стьюдент мезони бўйича (P) аниқланган. Статистик ишлаш «Pentium IV» процессори асосидаги персонал компьютерда «Excel» дастуридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Ген-модификацияланган соянинг тажрибада йўғон ичак микрофлорасига таъсир даражасининг тавсифи» номли учинчи бобида оқ зотсиз каламушлар йўғон ичак микрофлораси қиёсий ўрганилган, натижалар ҳар бир микроорганизм бўйича алоҳида таҳлил қилинган.

Ўрганилган 9 та йўғон ичак микрофлораси вакиллари бўлган микроорганизмлардан 7 тасида (77,78%) ишонарли ўзгаришлар аниқланган, шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, микроорганизмлар микдорий кўрсаткичлари меъёрига нисбатан (1-гурух) турлича йўналишларда ўзгарган. Фақатгина *Escherichia coli* билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳар иккала гуруҳда ишонарли ўзгармаган, Лактоза мусбат ва лактоза манфий *Escherichia coli* микдорий кўрсаткичлари бир-бирига яқин бўлган ($P > 0,05$).

Ўтказилган таҳлил шунинг кўрсатганки, 2-гурухда (ГМ-сиз соя истеъмол қилган) назорат гуруҳига нисбатан микдорий кўрсаткичлар ишонарли равишда камайиши йўғон ичак меъёрий индиген микрофлораси вакиллари орасида кузатилган. *Bifidobacterium spp* нинг камайиши 1,28 мартани ташкил этган бўлса ($P < 0,05$), *Lactobacillus spp* бўйича бу камайиш 1,53 марта бўлган ($P < 0,05$). Бу ҳолат 2-гурух лаборатория хайвонлари йўғон ичагида дисбиотик ҳолатга олиб келувчи жараёнлар бошланиб, бунинг биринчи белгиси эканлиги таъкидланган.

Юқоридагига ўхшаш ҳолат *Streptococcus spp* бўйича ҳам кузатилган, унинг йўғон ичакдаги концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан 1,58 мартага ишонарли камайган ($P < 0,05$). Бу ҳолат ҳам дисбиотик жараён деб ҳисобланадиган сифатида талқин қилинган. Назорат гуруҳидан фарқли равишда 2-гурухда фақат битта ташқи таъсир воситаси (соя) борлигини ҳисобга олсак, бу ўзгаришлар унинг таъсирида эканлиги, хайвонлар организми учун бу нотаниш маҳсулот бўлганлиги сабабли ичак индиген микрофлораси микдорий

параметрлари пасайиши вақтинчалик ҳолат сифатида талқин этилган.

Назорат гуруҳи лаборатория хайвонлари кўрсаткичларига нисбатан таққосланаётганда гуруҳ параметрларидаги миқдорий кўпайиш асосан энтеробактериялар ва коагулазамусбат коккларга тўғри келгани таъкидланган, уларнинг йўғон ичак факультатив микрофлорасига кириши, қулай шароитга тушганда патогенлик хусусиятини номоён қилишини ҳисобга олсак, ушбу биотопда индеген ва факультатив микроорганизмлар мувозанати бузилгани кузатилган. Чунончи, 2-гуруҳда миқдорий ошиш *Enterobacteriaceae* оиласи вакиллари *Enterobacter spp* ва *Proteus spp* да кузатилган – мос равишда 4,17 марта ($P < 0,001$) ва 6,25 марта ($P < 0,001$). Ушбу микроорганизмлар миқдорий ошиши йўғон ичакдаги дисбиоз жараёнларнинг бошланиши сифатида талқин этилган.

Шунга ўхшаш натижа, аммо кам интенсивликда *Staphylococcus spp* бўйича ҳам кузатилган. Ушбу микроорганизм миқдорий пасайиши тенденцияси интенсивлиги грамманфий бактерияларга қараганда камроқ бўлган. Назорат ($4,10 \pm 0,1$ lg КХҚБ/мл) ва таққослаш ($5,00 \pm 0,2$ lg КХҚБ/мл) гуруҳлари орасидаги фарқ 1,58 мартани ташкил қилиб, интакт хайвонлар фойдасига бўлган ($P < 0,05$).

Илмий ишнинг кейинги босқичида стандарт виварий рационига ГМ-соя қўшилган оқ зотсиз каламушлар йўғон ичак микробиоценози миқдорий кўрсаткичларини солиштирма ўрганилган.

Йўғон ичак микрофлорасини ташкил этувчи микроорганизмлар миқдорий кўрсаткичлари таҳлил этилганда, уларнинг барчасида гуруҳлараро тафовут борлиги аниқланган, ушбу фарқлар барча 9 та микроорганизмлар бўйича кузатилган.

Энг чуқур миқдорий ўзгаришлар *Bifidobacterium spp* бўйича кузатилгани эътиборли ҳолат – мос равишда $2,10 \pm 0,1$ lg КХҚБ/мл га (3-гуруҳ) қарши $5,10 \pm 0,2$ lg КХҚБ/мл (1-гуруҳ), камайиш 2,43 мартани ташкил этган ($P < 0,001$). *Lactobacillus spp* бўйича ҳам миқдорий кўрсаткичлар пасайиши тенденцияси ва интенсивлиги бифидобактериялар билан бир хил бўлган – мос равишда $2,00 \pm 0,2$ lg КХҚБ/мл га (3-гуруҳ) қарши $6,10 \pm 0,2$ lg КХҚБ/мл (1-гуруҳ) миқдорий камайиши ўртача 3,05 мартани ташкил қилган ($P < 0,001$). Назорат гуруҳига нисбатан ГМ-соя билан боқилган гуруҳда индиген микрофлора вакиллари 2,43-3,05 мартагача ишонарли пасайиши ушбу биотопда кечадиган дисбиотик жараёнлар бошланиши эканлиги аниқланган.

Йўғон ичак меъёрий микрофлораси бошқа вакили бўлган *Escherichia coli* миқдорий кўрсаткичини ўрганишда бошқача манзарага гувоҳ бўлдик. Лактозани парчалаш қобилятига эга, патогенмас ушбу грамманфий бактериялар назорат гуруҳида $5,15 \pm 0,2$ lg КХҚБ/мл миқдорида ундириб олинган бўлса, 3-гуруҳга мансуб оқ зотсиз каламушлар йўғон ичагидан олинган биологик ашёдан улар унмаган. Аммо, лактозани парчалаш хусусиятини йўқотган, шунинг ҳисобига патогенлик қобилятига эга бўлган *Escherichia coli* штамлари $5,30 \pm 0,3$ lg КХҚБ/мл миқдорида унгани ҳолда, назорат гуруҳида ушбу штамларнинг умуман аниқланмаганлиги эътироф

этилган. Бундай ҳолат ушбу биотопда ривожланаётган дисбиоз жараёнининг яна бир асосий белгиларидан биридир.

Enterobacteriaceae оиласининг бошқа вакиллари бўлган *Enterobacter spp* ва *Proteus spp* лар миқдорий кўрсаткичлари меъёр чегараларидан юқори бўлган – мос равишда $5,45 \pm 0,2$ lg КХҚБ/мл ва $3,00 \pm 0,1$ lg КХҚБ/мл. Бу рақамлар меъёр чегараларидан (мос равишда $1,20 \pm 0,1$ lg КХҚБ/мл ва $0,80 \pm 0,1$ lg КХҚБ/мл) 4,54 ва 3,75 мартага ишонарли равишда кўплиги билан тавсифланган ($P < 0,001$). Аниқланган бу кўриниш йўғон ичак дисбиотик жараёнлар шаклланишининг белгиси сифатида қаралган.

Грамманфий бактериялардаги юқорида келтирилган кескин ўзгаришлар граммусбат коккларда кузатилмаган, миқдорий кўрсаткичлар гуруҳлараро фарқ қилган бўлса ҳамки, ўзгаришлар интенсивлиги анча паст бўлган. Агар *Staphylococcus spp* 3-гуруҳда 1-гуруҳга нисбатан 1,50 марта ишонарли даражада ошган бўлса (мос равишда $6,15 \pm 0,2$ lg КХҚБ/мл га қарши $4,10 \pm 0,1$ lg КХҚБ/мл, $P < 0,05$), *Streptococcus spp* бўйича тескари манзара гувоҳи бўлинган, яъни 3-гуруҳ кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан ишонарли даражада 1,47 марта камайганлиги эътироф этилган - $4,30 \pm 0,2$ lg КХҚБ/мл га қарши $6,30 \pm 0,3$ lg КХҚБ/мл ($P < 0,05$).

ГМ-соя билан боқилган оқ зотсиз каламушлар йўғон ичагида *Candida spp* миқдори ГМ-соя билан боқилмаган интакт оқ зотсиз каламушлар кўрсаткичларидан ишонарли юқори бўлган – мос равишда $7,00 \pm 0,4$ lg КХҚБ/мл га қарши $3,60 \pm 0,1$ lg КХҚБ/мл (1,94 мартага, $P < 0,001$).


Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатганки, ГМ-соя истеъмол қилган лаборатория хайвонларида кузатув даври охирида йўғон ичак дисбиози аломатлари кузатилган. Ушбу ҳолат қуйидагиларда намоён бўлган (1-расм):

биринчидан, *Bifidobacterium spp* ва *Lactobacillus spp* кўрсаткичи ГМ-соя билан боқилган хайвонларда интакт каламушларга нисбатан 2,43 ва 3,05 мартага ишонарли камайган, ушбу ҳолат ГМ-соя таъсирида шаклланган дисбиознинг биринчи элементи сифатида талқин этилган;

иккинчидан, ГМ-соя билан боқилган оқ зотсиз каламушларда, интактлардан фарқли равишда лактоза негатив *Escherichia coli* унган (интакт хайвонларда унмаган), шунга мос равишда лактоза мусбат *Escherichia coli* унмаган, интактларда бунинг тескарисиси бўлган. Лактоза негатив штаммлар униши, лактоза позитив штаммлар аниқланмагани йўғон ичак дисбиозининг иккинчи элементи эканлиги исботланган;

учинчидан, асосий гуруҳда *Enterobacter spp* ва *Proteus spp* назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 4,54 ва 3,75 мартага купайгани аниқланган, бу ҳолат йўғон ичак дисбиозининг учинчи элементи эканлиги исботланган;

тўртинчидан, индиген микрофлора вакили патогенмас *Streptococcus spp* асосий гуруҳда интакт лаборатория хайвонларига нисбатан 1,47 мартагача ишонарли камайган бўлса, *Staphylococcus spp* миқдорий кўрсаткичи эса 1,50 мартагача ишонарли ошган. Бу гуруҳлараро номувофиклик йўғон ичак дисбиозининг тўртинчи элементи сифатида талқин этилган;




1-расм. ГМ-соя билан боқилган ва боқилмаган оқ зотсиз каламушлар йўғон ичагида дисбиоз шаклланишининг қиёсий схемаси

бешинчидан, *Candida spp* миқдорий кўрсаткичи ГМ-соя билан боқилган оқ зотсиз каламушларда, ушбу маҳсулот билан боқилмаганларга нисбатан 1,94 мартагача ишонарли ошгани йўғон ичак дисбиозининг бешинчи элементи сифатида кўрсатиб берилган.

ГМ-соя таъсири натижасида оқ зотсиз каламушлар йўғон ичагида дисбиотик жараёнлар шаклланиши кўрсатиб берилгач, индиген ва факультатив микрофлора миқдорий кўрсаткичларининг ўзгаришлар даражасини баҳолаш зарурати туғилган. Таҳлил натижаларига кўра, 3-гуруҳда индиген микроорганизмлар миқдорий кўрсаткичи 1-гуруҳга нисбатан ишонарли камайгани ҳолда ($P < 0,001$) факультатив микроорганизмлар миқдорий параметрлари ишонарли ошган ($P < 0,001$). Бу ҳолат улар йўғон ичагида ГМ-соя таъсирида чуқур дисбиоз ривожланганини исботловчи яна

бир кўрсаткич сифатида талқин этилган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида стандарт виварий рационига ГМ-сиз соя кўшилган (2-гуруҳ) ва ГМ-соя кўшилган (3-гуруҳ) лаборатория хайвонлари йўғон ичаги индиген ва факультатив микрофлора вакиллари микдорий кўрсаткичлари қиёсий ўрганилган. Ҳар иккала гуруҳ натижалари интакт лаборатория хайвонлари параметрларидан фарқ қилса ҳамки, ўзгаришлар интенсивлиги ва чуқурлиги 3-гуруҳда яққол номоён бўлган. Шундай бўлса ҳам ГМ-сиз ва ГМ-ли сояларнинг бир-бирига нисбатан ўзгаришлар даражасини аниқлаш муҳим бўлган. Уларда йўғон ичак индиген микрофлораси вакиллари *Bifidobacterium spp* ва *Lactobacillus spp* микдорий кўрсаткичлари орасида фарқ борлиги аниқланган – мос равишда 1,90 марта ва 2,0 мартагача ишонарли камайган ($P < 0,001$) – 2-расм.



2-расм. ГМ-соя билан боқилган ва боқилмаган лаборатория хайвонлари йўғон ичаги микрофлорасидаги ўзгаришлар даражаси кўрсаткичлари, марта (1. *Bifidobacterium spp* 2. *Lactobacillus spp* 3. *Escherichia coli* лактоза “+” 4. *Streptococcus spp* 5. *Escherichia coli* лактоза “-” 6. *Enterobacter spp* 7. *Proteus spp* 8. *Staphylococcus spp* 9. *Candida spp*).

Ўрганилган 9 та микроорганизмдан 2 тасида (*Staphylococcus spp*, *Candida spp*) гуруҳлараро тафовут аниқланмаган, улар микдор жиҳатдан бир бирига яқин бўлган. ГМ-соя билан боқилган лаборатория хайвонларида дисбиознинг барча келтирилган 5 та элементи мавжуд бўлса, ГМ-сиз соя истеъмол қилган оқ зотсиз каламушларда улар яққол номоён бўлмаган.

Барча олинган натижаларни умумлаштириш мақсадида ҳар учала гуруҳ кўрсаткичлари қиёсий тарзда келтирилган (1-жадвал).

Йўғон ичак меъёрий микрофлораси ҳолати, дисбиоз ривожланганлик даражаси, унинг чуқурлигини белгилаш учун кўпчилик тадқиқотлар томонидан дисбиозни баҳолаш мезонлари яратилган ва амалий соғлиқни сақлашга тақдим этилган. Шу усуллар орасида энг мақбули ўзбекистонлик олимлар Гариб Ф.Ю., Адилов Ш.К. ва Нарбаева И.Э. лар томонидан 1995 йилда тавсия этилган бўлиб, йўғон ичак микрофлораси ўзгаришлари 2 та даража билан баҳоланади.

1-жадвал

ГМ-ли ва ГМ-сиз озиқ рациониди бўлган оқ зотсиз қаламушлар йўғон ичак микрофлораси миқдорий ҳолати, Ig КХҚБ/мл

Микроорганизмлар	Назорат гуруҳи, n=30	Таққослаш гуруҳи, n=30	Асосий гуруҳ, n=30
<i>Bifidobacterium spp</i>	5,10±0,2	4,00±0,1	2,10±0,1* ^ ↓
<i>Lactobacillus spp</i>	6,10±0,2	4,00±0,1	2,00±0,2* ^ ↓
<i>Escherichia coli</i> (лактоза "+")	5,15±0,2	5,00±0,2	0 ↔
<i>Escherichia coli</i> (лактоза "-")	0	0	5,30±0,3* ↑
<i>Enterobacter spp</i>	1,20±0,1	5,00±0,2	5,45±0,2* ^ ↑
<i>Proteus spp</i>	0,80±0,1	5,00±0,2	3,00±0,1* ^ ↑
<i>Staphylococcus spp</i>	4,10±0,1	5,00±0,2	6,15±0,2* ^ ↑
<i>Streptococcus spp</i>	6,30±0,3	4,00±0,2	4,30±0,2* ↓
<i>Candida spp</i>	3,60±0,1	7,00±0,1	7,00±0,4* ↑

Эслатма: *-1- ва 3-гуруҳлар орасидаги ишонарли фарқ белгиси; ^ - 2-ва 3-гуруҳлар орасидаги ишонарли фарқ белгиси; ↑, ↓ - ўзгаришлар йўналишлари; ↔ - ишонарли фарқ мавжуд эмас.

I-даражали дисбиозда ўзгаришлар фақат индиген гуруҳ вакиллари орасида кузатилади, *Bifidobacterium spp* ва *Lactobacillus spp* лактоза мусбат *Escherichia coli* га нисбатан камаяди, ичак дисфункцияси намоён бўлмайди.

II-даражали дисбиозда индиген микроорганизмлар камайиши, факультатив шартли-патоген микроорганизмлар миқдори ошиб кетиши, улар орасидаги мувозанат бузилиши, ичак дисфункцияси белгилари кўринади.

Бу даражалар дисбактериоз индекси (ДИ) ёрдамида аниқланади:

ДИ I= *E.coli* КХҚБ/г/ Индиген микроорганизмлар, КХҚБ/г <0,1;

Ушбу тадқиқотлар давомида олинган натижалар қуйидагича бўлган:

1-гуруҳда – 0,31<0,1 (ДИ I); 0,37<0,5 (ДИ II);

2-гуруҳда – 0,38<0,1 (ДИ I); 0,77<0,5 (ДИ II);

3-гуруҳда – 1,29<0,1 (ДИ I); 3,56<0,5 (ДИ II).

Интакт лаборатория хайвонларида (1-гуруҳ) дисбиоз белгилари йўқ, ГМ-сиз соя билан боқилганларда (2-гуруҳ) дисбиоз белгилари заиф ривожланган (дисбиознинг I-даражаси), ГМ-соя билан боқилганларда дисбиоз белгилари яққол намоён бўлган (дисбиознинг II-даражаси).

Диссертациянинг «Ген-модификацияланган маҳсулотлар истеъмол қилган ва қилмаган лаборатория хайвонлари йўғон ичак микрофлораси асосий вакиллариининг учраш даражаси» номли тўртинчи бобида ГМ-соянинг таъсирида тажриба хайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген ва факультатив вакиллариининг учраш даражасини қиёсий ўрганиш натижалари батафсил баён этилган.

Интакт оқ зотсиз қаламушларда *Bifidobacterium spp* ва *Lactobacillus spp* барча лаборатория хайвонларида аниқланган – мос равишда 93,3±4,6% (n=28) ва 100,0% (n=30). Лактоза мусбат *Escherichia coli* нинг барча тажрибага жалб қилинган қаламушларда аниқланган, патогенмас *Streptococcus spp* ҳам

кўпчилиги лаборатория хайвонларида унган ($90,0 \pm 5,5\%$, $n=27$). *Enterobacter spp* ва *Proteus spp* мос равишда $43,3 \pm 6,3\%$ ($n=13$) ва $33,3 \pm 8,6\%$ ($n=10$) ҳолатларда унган, шунга ўхшаш натижа *Candida spp* бўйича ҳам кузатилган ($66,7 \pm 8,6\%$, $n=20$). *Staphylococcus spp* кўрсаткичи бошқа граммусбат коккларга ўхшаш бўлган ($86,7 \pm 6,2\%$, $n=26$), лактозаманфий *Escherichia coli* шу гуруҳга мансуб оқ зотсиз каламушларда унмаган (0%).

Аниқланишича, индиген микрофлора вакилларининг учраш даражаси ГМ-соя истеъмол қилган гуруҳда кам миқдорда учраган – мос равишда *Bifidobacterium spp* $40,0 \pm 8,9\%$ ($n=12$) ва *Lactobacillus spp* $46,7 \pm 9,1\%$ ($n=14$) - ($P < 0,001$). Бу кўрсаткич назорат (интакт) гуруҳи хайвонларига нисбатан мос равишда 2,33 ва 2,07 мартагача кам деганидир. Ушбу микроорганизмлар учраш даражасининг ишонарли равишда пасайиши ($P < 0,001$) уларнинг миқдорий параметрлари пасайишига олиб келгани исботлаб берилган.

